

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚЎЛЁЗМА ДЕВОНЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ МАСАЛАСИ (Ҳамид Сулаймон докторлик диссертацияси асосида)

Ойсара Мадалиева,

*PhD, ЎзР ФА Шарқшунослик институти
катта илмий ходими, ТДШУ доценти*

“Шарқда қўлёзма китобларнинг яратилиши ўнлаб тиллар ва ёдгорликлар билан боғлиқ ҳолда юз берди. Шарқ қўлёзма китоблари бир қанча жаҳон динларига йўлбошчи бўлди, ёрдам берди... Унинг Шарқ халқлари маданий ҳаётидаги роли шу қадар юксакки, айнан қўлёзма китоблар Шарқ халқлари маданий қадриятларининг давомийлигини таъминловчи муҳим ҳодисадир” [Рукописьная книга, 1987: 9]. Шу маънода Низомиддин Мир Алишер Навоий (844–906/1441–1501) асарлари, хусусан, девонларининг шоир тириклиги чокларидан то XX асрнинг биринчи чорагига қадар қайта-қайта қўлёзма китоблар ҳолига келтирилиши туркий адабиётнинггина эмас, бутун туркий маданиятнинг бир парчасини, энг нозик қадриятларни ўзида ташиётган лирик асарларни асраб-авайлаш, кейинги авлодга етказиш мақсадларини кўзда тутиб амалга оширилган дейиш мумкин.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек (1905–1968) томонидан “Ҳамид Сулаймон Навоийнинг деярли бутун лирикасини йиғиб, тартибга солган. Навоий лирикасини текстологик текшириб, шоирнинг асл шеърятини аниқлаш вазифасини ўз олдига қўйган. Ва буни тўла мукамал бажара олган. Диссертацияда иловалар, жадваллар, луғатлар ниҳоят тўла ва тартибли бажарилган... Ҳамид Сулаймонга филология фанлари доктори даражасининг берилишини сўрайман” [Ойбек, 1979: 397-399] мазмунида тақриз ёзилган докторлик диссертацияси яратилганига олтмиш йил ошса ҳамки, ушбу йўналишда амалга оширилаётган тадқиқотлар учун фундаментал иш вазифасини бажариб келмоқда.

Ҳамид Сулаймоннинг (1910–1979) “Алишер Навоий лирикаси матншунослик тадқиқи” (“Тестологическое исследование лирики Алишера Навои”) номли докторлик диссертациясини [Сулейманов, 1955–61] ўқир эканмиз, олимнинг Алишер Навоий ижоди, хусусан, шоир лирикаси манбашунослиги ва матншунослиги борасида ўз даврининг замонавий методологияси асосида тинимсиз меҳнат қилганини ҳис этиш қийин эмас. 1955–61 йилларда ёзилган 3 томдан иборат мазкур тадқиқотда Навоийнинг туркий ва форсий қўлёзма девонларининг юртимизгина эмас, балки хориж фондларига тегишли бир қанча нусхалари илмий ўрганилган, уларнинг аҳамияти очиб берилган. Таъкидлаш жоиз, мазкур қўлёзма девонлар орасида

бир нечтаси навоийшуносликка илк бор айнан мана шу диссертация қўлга киритган илмий натижа ўлароқ маълум бўлган. Зотан, муаллифнинг ўзи С.Л. Волин (1909–1943) хулосалари асосида диссертациясининг ҳақиқий баҳосини берган эди: “Навоий девонлари қўлёзмаларини у ёки бу редакцияга нисбат бериш мушкул масала. Қўлёзмаларнинг матнларини тўлиқ таққослаб чиққандан сўнггини уларни у ёки бу редакцияга нисбат бериш ишончли тарзда амалга оширилиши мумкин. Ушбу масалани ҳал этишдаги бутун оғирликни ҳақиқатан мазкур диссертациянинг муаллифи бўйнига олган” [Сулейманов, 1955–61: 51]. Шу маънода, Ҳ.Сулаймон докторлик тадқиқотининг ютуқлари муаллифнинггина эмас, навоийшуносликнинг катта муваффақияти сифатида кадрлидир. Қуйида Навоий қўлёзма девонлари манбашунослигининг ушбу диссертацияда баён этилган айрим жиҳатлари ҳақида сўз юритамиз.

Ҳ.Сулаймоннинг ҳаёти ва фаолиятига оид бир неча тадқиқотлар мавжуд [<https://ziyouz.uz/sulamonov-1910-1979/>; <https://yuz.uz/news/navoiyshunos-zabardast-olim>; [https://oyina.uz/kiril/article/355\\$](https://oyina.uz/kiril/article/355$); Qobulova, 2021: 96-99; Namozova, 2023: 12-16]. Унинг докторлик диссертацияси бизга қадар соҳага оид кўплаб илмий ишларга жалб этилгани маълум. Олимнинг Навоий лирикаси устида олиб борган ишлари алоҳида диссертация доирасида ҳам ўрганилди [Намозова, 2020: 50].

Албатта, Ҳ.Сулаймон докторлик тадқиқоти ёзилганидан буён орадан кўп вақт ўтди. Бу орада Навоий девонлари манбашунослиги ва матншунослиги йўналишида бир қанча амалий ва назарий ишлар амалга оширилди. Мазкур тадқиқотларнинг барчаси Ҳ.Сулаймон докторлик диссертациясидан илҳомланиб амалга ошди дея оламиз.

Айтиш мумкинки, 1991 йил “Навоий дастхати – Наводир ун-ниҳоя” факсимиле нашри эълон қилинган [Навоий дастхати, 1991: 12 б.т.], орада анча муддат бу йўналишда кўзга кўринарли ишлар амалга ошмади. Аммо 2010-йиллар Навоий лирикаси манбашунослиги тарихида янги бурилиш ясади. Худди шу йиллардан Навоий девонларининг янги қўлёзмалари топила бошлади [Эркинов, 2012: 8-16]. Қувонарлиси, “Оққўюнли мухлислар девони”нинг топилиши билан бошланган бу анъана “Бадойиу-л-бидоя” “Наводиру-н-ниҳоя”нинг яна бир неча қўлёзмалари аниқланиши билан давом этмоқда [Эркинов, 2018: 51-57; Турдиалиев., Эркинов, 2018: 57-62; Эркинов, 2018: 18-31; Максудов, 2020: 9-18; Болтабаев, 2022: 438-466; Эркинов, 2022: uz.uz]. Энг муҳими, аниқланган янги қўлёзмалар устида жиддий тадқиқотлар ҳам амалга оширилиб келмоқда [Алишер Навоий, 2015; Алишер Навоий., 2021: 411; Алишер Навоий, 2021: 260; Имомназаров, 2021: 207; Имомназаров, 2017: 6-10.; Имомназаров, 2022: 510; Имомназаров, 2018: 12-17; Имомназаров, 2021: 64;

Эркинов, 2017: 19-38; Эркинов, Мадалиева, 2020: 19-21; Эркинов, 2023: 4-20; Юсупова, 2016: 152-158; Юсупова, 2017: 54-60; Жўрабоев, 2016: 32-38; Болтабаев, 2022: 263; Жабборов. 2021: 247; Мадалиева, 2021: 679; Мадалиева, 2022: 4-19].

Ҳ.Сулаймон “бизнинг тушунчамиздаги матншунослик мустақил фан сифатида Шарқда мавжуд бўлмагани, Россия ва Европада эса Шарқ ёдгорликларининг матншунослиги XX асрнинг иккинчи ярмида бошлангани”ни ёзади. “Лекин Шарқда азалдан ёзма ёдгорликлар матнларини ўрганишнинг ўзига хос анъанаси мавжуд бўлган ...”, – дейди олим [Сулейманов, 1955–61: 10].

Ҳ.Сулаймон таъкидлайди: “Шарқ адабиётининг қўлёзма ёдгорликларида, хусусан, Алишер Навоий қўлёзмаларида «турлихиллик»ни қайд этишнинг бошқа шаклларига дуч келамиз. Бу гўё олдинги аждодлар томонидан амалга оширилган ўзига хос «матншунослик» ишининг қўлёзмаларнинг хошияларида ёки матнларнинг ўзида акс этишидир. Алишер Навоий қўлёзмаларида уларнинг уч хили учрайди”. [Сулейманов, 1955–61: 11-12]. У мазкур тузатишлар билан қуйидагича таништиради.

1. Қўлёзманинг йўқолган қисмини қайта тиклаш. Олим ушбу ҳолатни қуйидаги қўлёзмалар мисолида тушунтиради. “Ғаройиб ус-сиғар” девони ҳаракатли нодир нусхасининг бошланишидан 1-2-варақлари ва якунидан 217-220-варақлари¹ ҳамда 677 рақамли қўлёзманинг “Наводир уш-шабоб” девони мавжуд бўлган 97-108-варақлари, тахминан, Умархон саройида моҳирона тарзда қайта тикланган [Сулейманов, 1955–61: 12].

2. Интерполяция². Алишер Навоий қўлёзма девонларида тез-тез интерполяцияга, яъни, эҳтимол, бошқа бир тўлиқ нусхадан топилган ва мазкур қўлёзма матнида унутиб қолдирилган байт ёки ғазалнинг матн хошиясида қайд этилишига дуч келамиз. Ушбу хошия тузатишлари камдан-кам ҳолларда котиблар томонидан, асосан эса ушбу шеърнинг матнини бошқа нусхалар орқали яхши билган кейинги давр кишилари томонидан амалга оширилган [Сулейманов, 1955–61: 12].

3. Матн деформацияси – шаклий ўзгаришининг турли хил белгилари. Одатда қадимги муаллиф ва котиблар матнда ўзлари учратган ҳар қандай хатоларни қўлёзма хошиясида тузатиб, белгилаб кетишни тўғри деб билганлар. Навоий қўлёзма девонларида шунга ўхшаш қайдларнинг энг кўп тўрт хилини

¹ Ҳ.Сулайманов бунда Ўз ФАШИ Ҳ.С. фондига оид 386 рақамли қўлёзмани назарда тутган бўлса керак. Сабаби “Ғаройиб ус-сиғар”нинг ҳозиргача маълум бўлган ягона ҳаракатли нусхаси ушбу қўлёзмадир. Батафсил қаранг: Ҳақимов, 1983: 57-58; Умаров. 1991: 60-64.

² Интерполяция – асарга котиб, таржимон ёки уни мутолаа қилган киши томонидан кейин қўшилган, асарнинг асл нусхасида бўлмаган сўз, ибора, матн. Бундай изоҳ ва қайдлар, асосан, қўлёзманинг хошиясига ёзилади. Шунинг учун интерполяция сўзи ўзбек тилида хошия ёзувлари тушунчасига тўғри келади. Қаранг: Ҳақимов, 2013: 119.

учратамиз: а) кўпгина байтлар ўз ўрнидан чалкашиб кетган тақдирда, ҳошияда ҳар бир сатрнинг тўғрисига уларнинг кетма-кетлиги бўйича рақамлар қўйилиб тузатилади; б) маълум бир байт ёки мисра ўрни алмашганда, унинг тўғри жойини кўрсатувчи белги қўйилади; в) шеър матнининг хато келтирилган ёки такрорланган қисмини кўрсатиб турувчи белги қўйилади; г) ва ниҳоят, хато ёзилган сўзнинг устига “ح”, унинг тузатилган варианты устига эса “م” шартли белгиларини кўришингиз мумкин. Бу белгилар белгиланган сўз билан бирга қўлёзма ҳошияларида қайд этилган бўлиб, қадим замонлардан бери улар кучли анъанага эга бўлган [Сулейманов, 1955–61: 12-13].

Ҳ.Сулаймон юқоридаги каби “матншунослик” ишларини аниқ бир мезонларга таянмагани ва асосан, шеъринг характерга эга бўлганини таъкидлайди [Сулейманов, 1955–61: 13].

Маълумки, Ҳ.Сулаймон Алишер Навоий девонларининг дастлаб юртимиз фондлари, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида³ сақланаётган нусхалари билан қизиққан. Олимнинг тадқиқотидан аён бўладиги, ўша даврда шоир девонларининг Ўз ФАШИ фондида 97 та қўлёзмаси мавжуд бўлган [Сулейманов, 1955–61: 51]. Йиллар мобайнида Ўз ФАШИ фондларининг⁴ янги қўлёзмалар билан бойиши ҳисобига ҳозирда ушбу кўрсаткич фақат асосий фонднинг ўзида 182 тани ташкил этиши аниқланган [Мадалиева, 2021: 4]⁵.

Қизиғи шундаки, Ҳ.Сулаймон диссертациясининг “Ҳазойину-л-маоний” иловалари номли қисмида ЎЗР ФАШИга оид 95 та қўлёзма девоннинг сақланиш рақамлари берилган. Улар орасида 7463, 5035, 1595 рақамли қўлёзмалар такрор келган ва иккинчи марта ёзилишида нима сабабдандир, тегишли маълумотлари ўзгарган. Масалан, 1595 рақамли қўлёзма аввал “Ҳазойину-л-маоний”, иккинчи ёзилишида эса “Терма девон” дейилган [Сулейманов, 1955–61: 332-333]. Шунингдек, ушбу рўйхатдаги баъзи қўлёзма девонларнинг номланишида мулоҳазали ўринлар мавжуд. Жумладан, 647 рақамли қўлёзма “Ҳазойину-л-маоний” деб берилган, аслида у “Фавойиду-л-кибар”нинг нусхасидир. Ёки 646 рақамли қўлёзма “Ҳазойину-л-маоний” номи билан келтирилган, у “Терма девон” нусхаси ҳисобланади [СВРЛ-II, 2018]. Таъкидлаш жоиз, тажрибадан аён бўлдики, Навоий девонларининг кўплаб нусхалари билан ишлаган вақтда адашиш ҳоллари учраб туради.

Ҳ.Сулаймон: “Агар қўлёзманинг кўчирилган санаси маълум бўлмаса, каталогизатор унга тахминий сана бериши лозим, бу фан учун муҳим”, – деб

³ Кейинги ўринларда ЎЗР ФАШИ.

⁴ ЎЗР ФАШИнинг асосий, дублет ва Ҳамид Сулаймон номли учта фонди мавжуд.

⁵ Ушбу рақам маълум муддат ўтгач, ўзгариши мумкин.

ҳисоблайди [Сулейманов, 1955–61: 62-иктибосга қаранг]. Олим ўзининг тадқиқотларида бунга амал қилган. У санаси номаълум қўлёзмаларнинг кодикологик хусусиятидан келиб чиқиб, қайси асрга оидлигини тахминий белгилаб кетади [Сулейманов, 1955–61: 332-333].

Ҳ.Сулаймон Навоий девонларининг Ўз ФАШИ фондида сақланаётган қўлёзмаларининг шоир лирикаси тарихи аҳамиятидангина эмас, нусхашуносликка қўшган ҳиссаси жиҳатидан ҳам тадқиқ қилган. Айниқса, йиғма-қиёсий матнга жалб этилган 20 та қўлёзма девон батафсил илмий тавсиф қилинган [Сулейманов, 1955–61: 156-227].

Тавсифлар борасида олим ўзи фойдаланган каталогларда йўл кўйилган хатоларни тузатиб кетади. Масалан, А.А.Семенов (1873–1958) томонидан нашр этилган каталогда Ўз ФАШИ фондида сақланаётган 1995 рақамли қўлёзманинг “Наводиру-ш-шабоб” (Семенов, №41, СВРП, 224-227), 790 рақамли қўлёзманинг эса “Ғаройибу-с-сиғар” (Семенов, №40, СВРП, 219) сифатида тавсифлангани, аслида улардан биринчиси “Наводиру-н-нихоя”, иккинчиси эса “Терма девон” экани ҳақидаги муҳим маълумотларни дастлаб Ҳ.Сулаймон диссертациясида кўриш мумкин [Сулейманов, 1955–61: 168-169, 220]. Шунингдек, “Бадойиу-л-бидоя” девони қўлёзмаларининг Париж, Лондон ва Боку нусхаларининг фанга маълум қилиниши ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Умуман, ушбу тадқиқотда Навоий девонлари қўлёзмаларининг ташқи ва ички томонлари билан боғлиқ барча жиҳатлар синчков илмий назардан ўтказилган. Олим қўлёзмаларнинг хотима қисмида келувчи котибларнинг қайдларига ҳам жиддий диққат қаратади. Ушбу матнларни аввал асл алифбода тақдим этиб, сўнг рус тилига таржима қилади. Жумладан, Қўқон хони Мадалихон (1822–1842) буйруғи билан 1254/1838–39 йили Қўқонда олти ой ичида Алишер Навоий девонининг 300 нусхада кўчирилгани каби қўлёзма девонлар колофонларида келган муҳим маълумотларни ҳам илк бор Ҳ.Сулаймон диссертациясида ўқиймиз [Сулейманов, 1955–61: 52-53].

“Бошқа томондан, қўлёзма девонларини ўрганиш тажрибаси кунимизгача етиб келган бирор бир нусха шоирнинг у ёки бу девонининг тўлиқ муаллиф вариантини тақдим этмаслигини кўрсатмоқда”, – дейди Ҳ.Сулаймон. “Хатто энг қадимий Ҳирот нусхалари ҳам нотўлиқлиги (Лондон №401, Боку №3010), чалкашлиги ва шеърларнинг такрорланиши (Душанбе №1990), қўлёзма таркибидан варақларнинг йўқолиши (Санкт-Петербург №55) ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатлари билан фарқланади. Бундай нуқсонлар кейинги XVII, XVIII, XIX асрлар нусхаларида янада кўпроқ учрайди”, – дея фикрларини давом эттиради олим. [Сулейманов, 1955–61: 79].

Ҳ.Сулаймон В.В. Вельяминов-Зерновнинг “Абушқа” луғати ҳақидаги фикрлари асосида мазкур номаълум муаллиф ўз луғатида ўрнаклар сифатида “Хазойину-л-маоний” таркибий девонларидан шеърлар келтириб, “ғаройибдин”, “наводирдин” деганида мазкур қайдларнинг девонлар бўйича кўрсаткичи нотўғри эканини таъкидлайди [Сулейманов, 1955–61: 80]. Таъкидлаш жоизки, “Абушқа” луғатидаги мазкур ҳолат “Хазойину-л-маоний”нинг умумий алифбо тартибли баъзи нусхаларида ҳам учраб туради. Жумладан, Ризоқули ибн Мустафоқули томонидан 1070/1660 йилда кўчирилган “Хазойину-л-маоний” девонининг тўлиқ нусхаларидан бирида (Ўз ФАШИ асосий фонди, №9766) ғазалларнинг устида тегишли таркибий девонлар бўйича ёзилган қайдлар лирик куллийётнинг бирламчи манбалари билан мос келмайди [Батафсил қаранг: Мадалиева, 2021: 81-92].

Ҳ.Сулаймон Навоий “Муншаот”ига таяниб, ХМнинг умумий алифбо тартибли варианти мавжудлигини муаллифнинг ўзи таъкидлаб кетганига ишора қилган [Сулейманов, 1955–61: 114]. Олим шу ўринда С.Л. Волиннинг “Навоий “Хазойин ул-маоний”дан кейин “Махзан ул-маоний” номли яна бир девон тузган” мазмунидаги хулосаси нотўғри эканини, аслида ушбу фикрга келишга сабаб бўлган қўлёзма девонлар янги девон эмас, ХМнинг яхлит алифбо тизимига солинган нусхалари эканини айтади. Ҳ.Сулаймон ушбу тезисни “Муншаот”нинг 42-мақтубида келган “*داغى مجموعى غه كيم مخلوط بيتيلىيتورور چون طبع*” (Дағи мажмуиғақим, махлут битилибдуруп, чун таъб хазойинидин ҳосил бўлғон маоний эрди – “Хазойин ул-маоний” лақаб берилди) [Турсунов, 2016: 48, 85] жумласи билан далиллайди. Хусусан, мазкур жумлада келган *махлут* (аралаштирилган, қотишган) сўзи бу ўринда айнан умумий алифбо тартибли ХМни англатаётганини ёзади олим.

Ҳ.Сулаймоннинг ёзишича, ХМнинг таркибидаги шеърларнинг даврлаштирилиши девонлар тақсимотига кўра эканига биринчи шубҳа О.Шарафуддинов (1903–1943) томонидан билдирилган. А.Саъдий (1889-1953) каби олимлар эса ХМдаги барча шеърларни муаллиф тақсимотига кўра болалик, ёшлик, ўрта ёш ва кексалик лирикаси сифатида қабул қилган [Сулейманов, 1955–61: 131-134]. У проф. Е.Э. Бертельс (1890–1957), проф. А. Саъдий ва турк олими О.С. Левенд (O.S. Levend, (1897–1978) С.Л. Волиннинг Навоий лирикаси босқичлари ҳақидаги фикрларига қўшилганлар дейди [Сулейманов, 1955–61: 83-84]. Бизнингча, мазкур масаладаги тарафдор олимлар рўйхатида О.С. Левенднинг бўлиши ноўрин. Сабаби О.С. Левенд Навоийнинг девонлари номи ва тузилиш тарихи бўйича қуйидаги маълумотни тақдим этган.

– “Бадойиъ ул-бидоя” (873/1469 – 887/1482 й.);

– “Наводир ун-нихоя”;

–“Хазойин ул-маоний” (904/1498-1499 й.) таркибига кирувчи тўрт девон: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадойиъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”;

“Форсча девон” (“Девони Фоний”) (Бошланишида илова қилинган дебеча ва қасидалар билан бирга, 902/1496 й.) [Levend, 1958: 127; Madaliyeva, 2021: 4-19].

Албатта, Ҳ.Сулаймоннинг докторлик диссертациясида Навоий девонлари қўлёзмалари, хусусан, уларнинг таркиби юзасидан кўплаб масалалар даврининг энг замонавий методлари асосида ўз ечимини топган. Ушбу мақолада шоир қўлёзма девонларининг мазкур диссертация асосида амалга ошган манбашунослик қирраларининг айримлари ҳақида тўхталдик, холос.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Boltabayev S. Alishir Nevayi divanlarinin dibaceleri (Giris – Metin – Aktarma – Dizin - Tirkibasim). – Ankara: «AkÇağ», 2022. – 263 s.
2. Boltabayev S. Navoiy devonining shoir hayotligida ko‘chirilgan yangi topilgan nusxasi haqida // Alisher Navoiy va Sharq Renessansi (xalqaro simpozium materiallari). – Toshkent, 2022. – B. 438-466.
3. Erkinov A. Badoye’ ul-bidoya’ning Navoiy davrida ko‘chirilgan va yangi aniqlangan qo‘lyozmalari (1483 va 1485 yillar) // Oltin bitiklar. 1-son. – Toshkent, 2018. – B. 18-31.
4. Juraboyev O. Kitabet Sanatının Bir Örneği Olarak Ali Şir Nevayi'nin "Bedayüü'l-Bidaye" Divanının Taşkent Nüshası. // Uluslararası Beşeri Bilimler ve Sanat Dergisi. Cilt/Volume:1. – Bolu, 2020. – S. 14-27.
5. Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmaları // Türk dili araştırmaları yillığı. Belleten. – Ankara, 1958. – S. 127-209.
6. Madaliyeva O. “Turkiya kutubxonalaridagi Navoiy qo‘lyozmalari” katalogi va uning ilmiy qimmatı // Oltin bitiklar. – Toshkent, 2021. Vol. 4. – B. 4-19.
7. Namozova Z. “Devoni Foniý” Hamid Sulaymon talqinida // Adabiy meros. 2023-yil, 2-son. – B. 12-16.
8. Qobulova R. Hamid Sulaymon – o‘zbek adabiyoti jonkuyari // Adabiy meros. 2021-yil, 1-son. – B. 96-99;
9. Алишер Навоий. «Оққўюнли мухлислар девони»: табдил ва факсимил матн. Нашрга тайёрловчилар: А.Эркинов, Р.Жабборов. – 411 б. 1-том Лойиҳа раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиҳа илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021
10. Алишер Навоий. Ғазалиёт девони. Нашрга тайёрловчи: PhD О.Мадалиева. Тадқиқот қисми муаллифлари: ф.ф.д. А.Эркинов, PhD О.Мадалиева. Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Б.Абдуҳалимов. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2021. – 260 б.

11. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони. 1471 йили кўчирилган кўлёманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи: А.Эркинов. – Токуо: «Research Institute for languages and cultures of Asia and Africa», 2015.
12. Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Наваи. Под ред. К. Боровкова. – Москва–Ленинград: «Издательство АН СССР», 1946. – С. 203-235.
13. Жабборов Р. Алишер Навоий «Оққуюнли мухлислар девони» ва унинг давр адабий мухитида тутган ўрни. – 247 б. 4-том Лойиҳа раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиҳа илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021
14. Жўрабоев О. Навоий асарлари кўлёмза ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 32-38.
15. Имомназаров М. XXI аср: Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. Лойиҳа раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиҳа илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021. – 207 б. 2-том.
16. Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 6-10.
17. Имомназаров М. Мусулмон минтақа маданияти ривожиди «мажоз тариқи» босқиқчи. 2-китоб. Алишер Навоий. – Тошкент: «Mumtoz so‘z», 2022. – 510 б.
18. Имомназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърини лирик жанрлар хронологиясига доир) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 12-17; Имомназаров М. XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. – Тошкент, 2021. – 64 б.
19. Мадалиева О. Алишер Навоий девонлари кўлёмаларининг таркибий-қийсий тадқиқи. – 679 б. 5-том Лойиҳа раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиҳа илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021
20. Максудов Б. Кодикологическое описание списка «Навадир ан-нихайа» Наваи, хранящегося в библиотеке таджикского национального университета // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 9-18.
21. Навоий дастхати (Наводир ун-нихоя). Нашрга тайёрловчи, сўз боши муаллифи: С.Ғаниева. – Тошкент: «Фан», 1991. – 12 б.т.
22. Намозова З. Навоий лирикаси матншунослиги тадқиқи тадрижи (Ҳамид Сулаймон илмий фаолияти асосида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 50 б.
23. Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли. Ҳ.Сулаймоновнинг “Алишер Навоий лирикасининг текстологик тадқиқоти” ҳақида // Мукамал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. – Тошкент: «Фан», 1979. – Б. 397-399.
24. Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки. Книга первая. Редакционная коллегия издания: О. Ф. Акимушкин, М. И. Воробьева-Десятовская (отв. секретарь), Л. Н. Меньшиков, Ю. А. Петросян (председатель), Э. Н. Темкин, А. Б. Халидов, С. С. Цельникер, Я. Я. Юзбашян– Москва: «Наука», 1987. – 612 с.

25. Семенов А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей. – Ташкент: «Издательство среднеазиатского государственного университета». 1935. – 88 с.
26. Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – 559 с.
27. Сулейманов Х.С. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои / В трех томах / том первый. – Ташкент–Москва, 1955-1961. – 415 с.
28. Турдалиев А., Эркинов А. «Бадойиъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи кўлёмаси (Султонали Машхадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 57-62.
29. Умаров Э. Уникальная рукопись дивана Алишера Навои «Гаройиб ас-сигар» // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 60-64.
30. Ҳақимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 14.
31. Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент: «Davr Press», 2013. – 496 б.
32. Эркинов А. «Бадойиъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи кўлёмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. –Б. 51-57.
33. Эркинов А. Алишер Навоий “Ҳазойин ул-маоний”си ва унинг протодевони масаласи // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 19-38.
34. Эркинов А. Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига муносиб туҳфа: Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”сининг саккизинчи нусхаси аниқланди. [Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига муносиб туҳфа: Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”сининг саккизинчи нусхаси аниқланди \(uza.uz\)](#).
35. Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2012. – Б. 8-16.
36. Эркинов А., Мадалиева О. «Терма девон» ёки Навоий «Наводир ун-нихоя»сининг сўнгги редакцияси? (Машхадий кўлёмаси асосида, 905/1499-1500 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Халқаро илмий-назарий анжумани материаллари). Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 19-21.
37. Юсупова Д. «Наводир ун-нихоя» фақат ғазаллардан иборат девонми? // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 54-60.
38. Юсупова Д. «Ҳазойин ул-маоний»: тузилиш қонуниятлари, таркибий хусусиятлари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 152-158.